Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
7 февраль
ШАНБА
№ 10 (12750)
www.th.uz

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

## КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунига 50 кун қолди. Мазкур сайлов жараёнларида сайлов комиссиялари фаолиятининг очиқлиги ҳақидаги бир неча савол билан 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Холтўра Сувоновга мурожаат қилдик.**

**– Холтўра Одилбоевич, сайлов комиссиялари фаолиятининг очиқлиги қай тарзда амалга оширилади?**

– Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби бевосита сайлов тизимига бағишланган. Конституциянинг 117-моддасида Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборатлилиги таъкидланади.

"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига асосан эса, бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилган. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, Президентликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгалигини инобатга олган ҳолда бу борадаги қарорлар матбуотда эълон қилинади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси ҳам сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкораликка бағишланган бўлиб, унга биноан оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

**– Демак, журналистлар учун сайлов комиссиялари фаолияти билан танишишда ҳеч қандай монелик йўқ, шундайми?**

– Албатта. Сайлов комиссиялари ўз қарорлари билан барча фуқаролар танишиши учун шароит яратиб берадилар. Сайлов комиссиялари йиғилишларида номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар, журналистлар қатнашиши мумкин. Сайлов куни сайлов участкасининг очилиши вақтидан бошлаб, овоз бериш натижалари эълон қилингунича ҳар бир номзоддан биттадан ишончли вакил, аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳар бир сиёсий партиядан кузатувчи ва хорижий давлат ҳамда халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

**– Ошкораликни таъминлаш учун комиссиялар қайси жиҳатларга кўпроқ аҳамият беради?**

– Сайловчиларни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирлар хусусидаги ахборот билан таништириб бориш учун сайлов комиссиялари оммавий ахборот воситаларида фуқароларнинг фаолиятлари, сайлов участкаларининг чегаралари, участка сайлов комиссияларининг таркиби, ҳудудий сайлов комиссиялари, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақти, номзодларнинг рўйхатга олинганлиги, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати, президентликка номзодлар хусусидаги, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни ёритиб боришга эътибор қаратади.

**– Бу маълумотлар қайси нашрларда эълон қилиниши шарт?**

– Мажбурий ахборот материаллари маҳаллий ижро органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов тадбирларини амалга ошириш учун ажратилган маблағ эвазига чоп этилади.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

## АЁЛЛАР ҲАР СОҲАДА ФАОЛ



**Азал-азалдан аҳли аёлини авайлаган, эъзозлаган халқмиз. Муборак Ҳадисда шундай сўзлар бор: "Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади". Бу ҳақда "Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим", дейди бобокалонимиз Амир Темур.**

"Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар", дейди Президентимиз Ислом Каримов.

Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг 5-Бошқарув йиғилишида иштирок этиш асносида бу ҳикматли сўзлар хаёлимиздан бот-бот ўта бошлади. Дарҳақиқат, аёлларимиз фаолияти кўлами кенг, натижалари залворли – айтса айтгудек ютуқларимиз етарли. Аммо, камчиликлар ҳам йўқ эмас, зудлик билан, астойдил амалга оширилиши керак бўлган вазифаларимиз кўп экан.

(Давоми 2-бетда).

## ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ОМБУДСМАН НАЗОРАТИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институтининг 2014 йилги фаолиятига тааллуқли масалалар муҳокама қилинди.**

Комиссия йиғилишида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институтининг шерик ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кенгайтирилган йиғилишда 2014 йил очиқ демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида муҳим босқич бўлгани алоҳида таъкидланди. Қонун чиқарувчи олий орган ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг ҳукумат ва ижро этувчи органлар фаолияти устудан назорат қилиш вазифаларини кучайтиришга, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органларининг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир вазифаларни бажаришдаги масъулиятини оширишга, Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимини ислоҳ қилишга, кўп партиявийлик асосидаги адолатли сайловларни таъминлашга, жамиятда ижтимоий шериклик тамойиллари асосида фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг янги йўналишларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

**Республика Президентининг "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида резинатехник буюмлар заводи қурилишини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан бунёд этиладиган автомобиль шиналари заводида йилига 100 минг погон-метр конвейер тасмалари, 200 минг дона қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда 3 миллион дона автомобиль шиналари ишлаб чиқарилади.**

## АНГРЕНДА ШИНА ЗАВОДИ



"Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси қошидаги "Резинатехник маҳсулотлар заводи қурилиши дирекцияси" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Хитойнинг "Poly Technologies Inc." компанияси имзолаган шартномага асосан қурилишга 183,96 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, "Резинатехник маҳсулотлар заводи қурилиши дирекцияси" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 30 миллион АҚШ долларига эквивалент миқдорга оширилиб, "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси 50, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси 30, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ҳамда "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси 10 фоизли улуш билан иштирок этади.

**Саид ҲАСАНОВ.**

«Expo Milano 2015»

**2015 йилнинг 1 майидан 31 октябрига қадар Италиянинг Милан шаҳрида "Expo Milano 2015" жаҳон кўргазмаси ўтказилади. Унда Ўзбекистон ҳам иштирок этади.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ мазкур кўргазмада мамлакатимиз компанияларининг кенг иштирокини таъминлаш, Италияда Ўзбекистон миллий павильонини ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.**

## ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЖАҲОН КЎРГАЗМАСИДА

Жаҳон кўргазмаси илк бор 1851 йили Лондонда ташкил этилган. Кўламдорлиги ва самарадорлиги боис кейинчалик бошқа мамлакатлар ҳам уни ўтказишга қарор қилган. Дунёга машҳур Эйфель минораси Парижда ўтган "Expo Paris 1889" жаҳон кўргазмасига бағишлаб барпо этилгани унинг нуфузидан яна бир далолат. 1928 йилда Францияда жаҳон кўргазмаларини ташкил этувчи уюшма – Халқаро кўргазмалар бюроси тузилган. Шундан буён ушбу тадбирга мезбонлик қилувчи мамлакат овоз бериш орқали танлаб олинади. Камида олти ой давом этадиган "Expo" жаҳон кўргазмаси ҳар беш йилда ўтказилади.

"Дунёни озиқлантириш, ҳаёт учун қувват" шиори остида ўтказиладиган бу галги жаҳон кўргазмасида 150 га яқин мамлакатдан мингдан ортиқ компаниялар иштирок этиши, унга 30 миллиондан зиёд киши ташриф буюриши кутилмоқда. Кўргазма иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноатининг барча замонавий йўналишларини қамраб олади. У ерда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биохилмахилликни сақлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва уларни сақлаш масалалари, ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларига оид ўнлаб бўлимлар очилади.

Мазкур нуфузли кўргазмага Ўзбекистоннинг таклиф этилгани бежиз эмас. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида



амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. "Made in Uzbekistan" ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда. Экспортни қўллаб-қувватлаш, бундай корхоналарга имтиёз ва преференциялар беришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай имкониятлар самарасида ўз маҳсулотларини экспорт қилиш истагидаги ишбилармонларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар таклиф этаётган маҳсулот ва хизматлар юқори сифати билан хорижлик истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

"Expo Milano 2015" жаҳон кўргазмаси мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳиятини дунёга намойиш этиш, озиқ-овқат саноатидаги халқаро талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш, янги ҳамкорлар топиш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, Италия билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан маълум қилишларича, мазкур халқаро кўргазмада мамлакатимизнинг сармоя, экспорт-импорт, консалтинг ҳамда транспорт хизматлари кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳаларга ихтисослашган муассасалар, шунингдек, пахта толаси, енгил ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, машинасозлик, металлургия, тўқимачилик, фармацевтика, мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ва мебеллар савдоси билан шуғулланувчи компания ва корхоналар иштирок этади. Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Ўзмарказимпэкс", "Ўзинтеримпэкс", "Марказсаноатэкспорт", "Ўзпроммашимпэкс", "Ўзтадбиркорэкспорт", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзулгуржисавдо инвест", "Ўрта Осиё Транс", "Ўзбекистон ҳаво йўллари" каби муассаса ва компаниялар шулар жумласидандир.

"Expo Milano 2015" жаҳон кўргазмасида Ўзбекистон миллий павильони учун 500 квадрат метр жой ажратилган. Унда мамлакатимиз иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, халқимиз маданияти ва миллий таомларига оид тўрт бўлим ташкил этилади. Миллий колорит билан безатиладиган Ўзбекистон павильони ўзига хос дизайни ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортиши шубҳасиз.

Кўргазма иштирокчилари халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси, истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган ютуқлар, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, эркин иқтисодий зоналари, ривожланган транспорти инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш саноати, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларидаги тажрибаси, замонавий техника ва технологиялари, ўзбек миллий таомлари, нон ва қандолат маҳсулотлари, урф-одат ва анъаналарига оид кўплаб маълумотлар билан танишиш имконига эга бўлади.

Халқаро кўргазма доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш, соҳада янги инновация ва технологияларни кенг жорий қилиш, соғлом овқатланишни тарғиб этиш каби кўплаб мавзуларда семинар ва конференциялар ўтказилади.

"Expo Milano 2015" жаҳон кўргазмаси мамлакатимиз компания ва корхоналари учун хорижий давлатлар ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришиш, юртимизга инвестициялар жалб этиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кенг имконият яратади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Мавзуга қайтиб

## СИМЁҒОЧЛАР КИМГА САЛОМ БЕРАЯПТИ?

**Бекобод туманидаги Ўювли қишлоғи истиқлол туфайли обод ва кўркам бўлиб бораётган манзиллардан бири. Равон кўчалари, янги уйлари, ям-яшил дарахтлари, ҳудудининг тоза ва озодалиги аҳолисининг меҳнаткашлиги ва уддабуронлигидан далолат беради. Икки қаватли янги мактаб биноси қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турибди. Аммо неча йилдирки, бир муаммо қишлоқ аҳлини қийнаб келмоқда.**

Бу ҳақда қишлоқ фахрийларидан Зулфиқор Уборов ва Ҳусанбой Ҳайдаров ўтган йили газетамиз таҳририятига мурожаат этишган, шу асосда 2013 йил 11 майдаги 29-сонда "Электрчироқми ёки шамчироқ" номли танқидий мақола босилган эди. Унда қарийб 50 йил муқаддам ўрнатилган трансформатор талабга жавоб бермаётгани, симёғочларнинг кўпи чириб, хавфли бўлиб қолгани, янги массивга электр симлари ноқонуний ва омонатгина тортилгани, чекка хонадонларга электр қуввати яхши етиб бормаётгани баён этилганди.

Ушбу мақолага на Бекобод тумани ҳокимлиги ва на "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖдан икки ойдан ошиқроқ вақт жавоб келмагани учун 2013 йил 20 июлда бу мавзуга яна қайтиб "Эгасини топмаган гап" мақоласи босилиб, юқоридаги идораларга матбуот чиқишларига ўз вақтида муносабат билдиришлари эслатиб қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ

Марказий ва маҳаллий ижро органларининг даврий босма нашрлари сайлов комиссияларининг хабарлари, сайловда қатнашаётган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни ўз саҳифаларида бериб боради. Оммавий ахборот воситалари зарур ҳолатларда зудлик билан сайлов комиссияларига сайловолди кампанияси ҳақидаги хабарларни ёритишга имкон яратиб беради. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари сайловчиларга улар ҳуқуқларининг амалга оширилишида кўмаклашади, сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти, сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш бўйича шаклланган амалиётимизнинг хусусиятлари, хорижий тажриба ҳақида кенг кўламли ахборот ва маълумотлар бериб боради.

**– Сайлов жараёнини ёритишда журналистларнинг қандай хуқуқлари бор?**

– Сайлов жараёнида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, хусусан, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"-ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги қонунлар асосида олиб боради. Чунончи, журналист Президентликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов участкаларида ҳамда тайёргарлик ишларининг бориши, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланиши, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш, овозларни санаб чиқиш ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш ҳуқуқига эга.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ сайлов комиссиялари сайлов жараёнлари борасидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида ёритишга мажбурлигидан қатъи назар, журналистлар ўзларини қизиқтирган барча маълумотларни сайлов комиссиялари вакилларидан олишлари мумкин.

Сайлов кампанияси вақтида журналистларнинг сўрови бўйича ахборот олишнинг умумий қоидаларига амал қилиб, оммавий ахборот воситалари таҳририятининг ёзма сўровига жавоб уч кундан кечикмаган ҳолда берилиши лозим. Агарда сўровга рад жавоби берилса, у асослантирилиши, жавоб кечиктирилган тақдирда ахборотни бериш муддати кўрсатилиши лозим.

**Тўнғич БЕК.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар-тренинг

# БИЗНЕС-РЕЖА ЁЗИШ ТУШУНТИРИЛДИ

**"Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши Қибрай туманидаги педагогика коллежида "Менинг бизнес ғоям" лойиҳаси юзасидан семинар-тренинг ташкил этди.**

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги "Ёш тадбиркор" маслаҳат маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси, "Марказий банк" вилоят бош бошқармаси, "Халқ банки", "Саноатқурилишбанк", "Микрокредитбанк" ва коллеж вакиллари иштирок этган тадбирдан мақсад – коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш жойларини яратиш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиш ва бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Семинарда битирувчиларга ажратилаётган микрокредитлар миқдори, имтиёзлари, барқарор ишлаётган банк кредит сиёсати ҳақида тушунчалар берилди. Шунингдек, тадбиркорлик қобилиятига ҳамда шу соҳада янги ва самарали ғояга эга бўлган коллеж битирувчиларига бизнес-режани ёзиш тартиблари тушунтирилди.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**

# АЁЛЛАР ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиеванинг "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси, хотин-қизларнинг ўрни ва роли ҳақидаги чуқур таҳлилий маърузаси айнан шу мақсадга йўналтирилгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор 15 та масала атрофлича таҳлил қилинди.

2014 йилдаги муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловларда хотин-қизларнинг ўрни, йил дастурининг ижроси якунлари, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, оилалар тиббий маданиятини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, умумтаълим мактаблари битирувчиларини ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, давоматини таъминлаш, хотин-қизлар қўмитаси ва сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" билан ҳамкорликда қабул қилинган қўшма режаси ижроси, одам савдосига қарши кураш, хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмалари, аёллар ва оилалар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорлик натижалари, турли тўгарак, уюшма ва комиссиялар фаолияти, шикоят ва аризалар билан ишлаш, бандлик, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби масалалар муҳокама этилди.

– Вилоятимиз хотин-қизлари фаолияти ҳақида ифтихор билан сўзлаш мумкин бўлган жиҳатлар кўп, – деди Сайёра Файзиева. – Ҳозирги кунда

(Давоми. Боши 1-бетда).

хотин-қизлар бошланғич ташкилотлари 3802 тага етди. Аёлларимизнинг 2014 йилдаги муҳим сиёсий жараён – сайловларда фаол иштироки, вилоятимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 4 нафар, Сенатга 2 нафар аёл сайлангани, вилоят кенгаши депутатларининг 31,7 фоизи хотин-қизлар экани, улар орасида Зулфия мукофоти совриндорлари, яъни ғайрат-шижоатли ёшларимиз борлиги қувонарли. Вилоятимизнинг "Ораста қизлари" республикада 2-ўринни эгаллагани, Аёллар спорт фестивали, Гимнастрада бўйича Ангрен ва бекободлик гимнастикачи қизлар Ўзбекистон чемпионатида ғолибликни қўлга киритгани, "Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси" бўйича ангренлик тадбиркор Шоҳиста Мадиёрова ғолиб деб эътироф этилиб, 150 миллион сўм кредит берилгани ҳар биримизга фахр, ғурур бахш этади. Умуман олганда, тадбиркор аёлларимизга тижорат банклари ажратаётган кредитлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2014 йилда 56 миллиард 52 миллион сўм маблағни тадбиркорликка йўналтирган аёлларимиз жамият тараққиёти ва оиласи фаровонлигини таъминламоқда.





Шунингдек, хотин-қизларимиз нафақат моддий, энг аввал маънавий рағбатга, қўллаб-қувватлашга муштоқ. Шу маънода Соғлом бола йилидаги яна бир воқеа – "Аёллар маслаҳат маркази"нинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари ташкил этилгани эътирофга лойиқ. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилаётган бу марказлар каттаю кичикка маъқул бўлаяпти. Ўз навбатида мустаҳкам оила, соғлом бола, баркамол ёшлар тарбиясига масъул оналарнинг тиббий-ҳуқуқий, сиёсий-иқтисодий маданияти юқори бўлиши учун зарур шарт-шароит яратилди. Кейинги йилларда аҳоли турмуш даражаси юксалиб, янада фаровонлашди. Натижада ўртача умр кўриш ёши ортди, оналар ва болалар ўлими камайди. Лекин, айрим кўрсаткичлар бўйича камчиликлар ҳам етарли. Фарзанд тарбиясига масъул айрим оналарнинг ўзлари тарбияга муҳтож. Аёллар жиноятчилиги, одам савдоси, эрта никоҳ, эрта туғуруқ, туғуруқлар орасидаги номутаносиблик ҳамон долзарблигича қолмоқда...

Бу борадаги камчиликлар ҳар бир шаҳар, туман мисолида таҳлил қилиниб, кескин чоралар кўриш, ҳар ойда ҳисобот бериб бориш кераклиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида сўз борар экан, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг 2015 йилги иш режаси шу асосда тузилгани, уни бажариш учун ҳудудларда, айниқса, айрим йўналишлар бўйича камчиликлари кўрсатилган шаҳар, туманларда жамоатчилик назорати ўрнатилиши, ижтимоий шериклик тамойиллари асосида иш олиб бориш, ҳозирги кунда хотин-қизлар қўмиталари қошида ташкил этилган "Ҳунарманд", "Ҳуқуқшунос аёл", "Экология ва саломатлик", "Тадбиркор аёл", "Ижодкор аёл", "Олима аёл" уюшмалари, "Ораста қизлар", "Зумрадойлар давраси", "Зардўзлик", "Моҳир қўллар", "Юмшоқ ўйинчоқлар", "Бичиш-тикиш", "Амалий санъат" ва "Аждодлар мероси" каби тўгараклар фаолиятини жонлантириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам давлат ва жамоат ҳаётининг барча тармоқларида – ишлаб чиқариш, илм-фан, санъат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида фаоллик кўрсатаётган, бугунги кундаги долзарб тарбиявий муаммоларнинг ечимини чидам ва собитқадамлик билан ҳал этишга уринаётган аёллар жамиятнинг ишончи ва таянчидир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**

# ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ОМБУДСМАН НАЗОРАТИДА

Ушбу жараёнлар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг, шу жумладан, республика Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятида ўз аксини топди. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш парламент Омбудсмани фаолиятида асосий ўрин тутади. Ҳисобот йилида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга фуқаролардан 11 минг 858 та мурожаат, шундан 7938 таси Омбудсманнинг марказий офисига, 893 таси минтақавий вакилларга келиб тушди. Омбудсман томонидан назоратга олинган 3741 та мурожаатда баён этилган далиллар текширилиб, фуқароларнинг 714 та мурожаати бўйича уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳисобот йилидаги фаолиятини таҳлил қилиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда айрим муаммоли жиҳатлар ҳам мавжудлигини кўрсатди, – деди Омбудсманнинг Тошкент вилояти бўйича минтақавий вакили Лазиза Ғафурова. – Чунончи, 2014 йилда инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини кўплаб бузиш ҳоллари фақат қонун ҳужжатлари ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнигина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш ва тарбиялашнинг янада самарали тизимини жорий этишни ҳам назарда тутувчи кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил манзилига айрим давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг фуқаролар ҳуқуқларига риоя этмаётгани ёки улар ҳуқуқларини камситаётгани ҳақида келаётган мурожаатларни ўрганиш жиддий эътибор қаратишни талаб этадиган бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳам аниқлаш имконини берди. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳисоботида бу ҳақда аниқ мисоллар ва улар ҳуқуқларини тиклашга оид иш натижалари келтириб ўтилди.

**Зангиота туманида сўнгги йилларда 8 та спорт зали, 4 та сузиш ҳавзаси, 3 та алоҳида спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

# ЯНА БИР ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

Ўтган ҳафтада туманда замонавий талабларга жавоб берувчи болалар спорт мажмуаси яна биттага кўпайди. Жумладан, Келес шаҳрида қад ростлаган 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қурилиши учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 3,5 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қисқа муддатда битказилди. Бу ерда ёшларнинг кураш, волейбол, бадиий гимнастика, мини футбол, бокс каби 30 га яқин спорт тури билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилди.

**Умида ҲИДОЯТХЎЖАЕВА.**



# БОЛ ЯРАТГАН БОҒБОН

**Бўкалик Ҳошим ота Тўрабоев болалигидан деҳқончиликка меҳр қўйиб, меҳнатнинг этагидан тутиб, боғбонликнинг паст-баландини астойдил ўрганди. Меҳнатдан келган ҳалол ризқ ортидан олти қиз, икки ўғилни тарбиялаб, улғайтирди. 78 ёшни қаршилаган Ҳошим отани суҳбатга чорладик.**

– Отахон, деҳқон экинининг ёнига меҳрини қўшиб экади, дейишади.

– Шундай, деҳқоннинг қўлидан ер ва ноннинг иси келади. Боиси, дарахт ҳам инсон сингари меҳрга ташна. Сиз айтган меҳрни бермас эканмиз, ҳосил яхши бўмайди. Ҳозирги кунда "Ёқутхон Саид" фермер хўжалигидаги 4 гектар ерда боғбонлик қилаяпмиз. Айни кунларда дарахтларга шакл бераяпмиз. Боғда доимий ҳалол меҳнат ҳисобига болдек ширин мевалар етиштираяпмиз. Ўйлайманки, меҳр билан парваришлаган боғимиз ҳали кўп йиллар ҳосил бериб, одамларни хурсанд қилади.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Сарҳисоб

# КЕЛАЖАКНИ БИРГА ҚУРАМИЗ



**"Пойтахт" бизнес марказида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси марказий кенгашининг Соғлом бола йилида амалга оширган ишлари сарҳисоби ва Кексаларни эъзозлаш йилидаги режалари масаласига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда палатанинг вилоятлардан ташриф буюрган аъзолари, турли вазирликлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Йиғилишда асосий эътибор "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Рақобат тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги каби қатор қонунларнинг жойлардаги ижроси хусусида сўз борди. Шунингдек, палатанинг ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, экспортга кўмаклашиш, инвестиция жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътироф этилди.

Таъкидландики, палатанинг 14 та ҳудудий бошқармалари қошидаги ҳакамлик судларида 1421 та даъво аризаси кўриб чиқилди. Шундан, 1365 таси ижобий ҳал этилди. Шунингдек, палатанинг ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалари сабаб 312 миллион сўмдан зиёд микрокредит ажратилди. 100 нафар ёшларга фаолият бошлашлари учун тижорат банклари 2 миллиарддан зиёд имтиёзли кредит ажратди. Чет эллик инвесторларни жалб қилиш мақсадида Хитой, Германия, Италия, Франция, Британия каби 89 мамлакатдан вакиллар таклиф қилинди. Шу саъй-ҳаракатлар самара бериб, ўтган йили республикада 56 та қўшма корхона барпо этилди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Қулайлик

# «TEKSHIRISHLAR.UZ» ВЕБ-САЙТИ ЯРАТИЛДИ

**Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига асосан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг "tekshirishlar.uz" веб-сайти яратилиб, интернет тармоғига жойлаштирилди.**

Мазкур сайт орқали Кенгаш ҳақида умумий маълумот, унинг таркиби ва вазифалари, ҳудудий комиссиялар, Кенгашнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ишчи органи таркиби, норматив ҳужжатлар, текширишлар режа-жадвали, матбуот маркази, интерактив хизматлар ва назорат органлари ойналаридан ҳам бир қатор маълумотлар олиш мумкин.

Хусусан, сайт ойнасида ҳар бир назорат органи учун алоҳида саҳифалар яратилган бўлиб, унда текшириш ўтказишга доир фаолиятини Кенгаш мувофиқлаштириб бораётган назорат органлари ахборотлари жойлаштирилмоқда. Назорат органларига текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ойнасида тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар давомида назорат қилинадиган масалалар ва текширишлар натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан кўриладиган чоралар ҳамда кучини йўқотган ҳужжатлар рўйхатлари киритилган. Шунингдек, сайтда ҳар бир тадбиркорлик субъекти назорат идоралари режали текшириш ўтказиши тўғрисидаги маълумотларни олиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлар учун яратилаётган бу қулайликлар назорат органлари ноқонуний текширишлар ўтказишига чек қўйишда, мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга тадбиркорлик субъектлари ҳам салмоқли ҳисса қўшишига кенг имкониятлар яратади.

**Хайрулла АҲМЕДОВ,**
**вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.**

Мавзуга қайтиб

# СИМЁҒОЧЛАР КИМГА САЛОМ БЕРАЯПТИ?

Шундан кейин Бекобод тумани ҳокими Ш. Ҳамроев имзоси билан жавоб хати олинди. Унда ҳақиқатдан ҳам маҳалладаги трансформатор 1967 йилда ўрнатилгани ва 50 хонадонга мўлжаллангани, бугунги кунда хонадонлар 115 тага етгани ва трансформатор қуввати камлик қилиши қайд этилганди. Шу боис туман ҳокимлиги "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖга мурожаат қилган. "Агар ушбу жамият таклифни инобатга олиб, дастурга киритса (?!) 2014 йилда трансформатор етарли даражадаги қувватлисига алмаштирилиб берилади" дейилади хат охирида. Бироқ, жавоб хатида мақолада зикр этилган бошқа муаммолар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Шундай бўлса-да, жавоб хати газетанинг 2013 йил 7 август сонида эълон қилинди, аммо вилоят электр тармоқлари идорасидан кутилган жавоб хатидан дарак бўлмади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, мавзу матбуотда кўтарилганига қарийб бир ярим йил бўлди. Бу орада дастлабки шикоят хати муаллифлари таҳририятимизга бир неча бор қўнғироқ қилишди. Шу туфайли мавзуга қайтишга, қишлоқда бўлиб, масалани яқиндан ўрганишга қарор қилдик.

Биз, аввало, хат муаллифлари билан учрашдик. Уларнинг гапига қараганда, мақола чиққандан кейин аҳволни қайта ўрганиш учун ваколатли ходим эмас, балки туман электр тармоқлари идорасининг оддий монтёри келиб кетган-у, аммо шу пайтгача бирор ўзгариш бўлмаган. 2014 йил 25 июлда янги уй-жойларга ноқонуний тортилган тармоқлар хавфли экани ҳақидаги мурожаатга эса "Тошкент электр тармоқлари" муҳандиси М. Аҳмедов келиб: "Сабр қилинглар, 2018 йилда тармоқлар янгисига алмаштириб бериладиди" деб кетган. "Яна 4 йил ичида ҳеч қандай хавф-хатар бўлмаслигига ким кафолат беради?" деган савол эса жавобсиз қолган.





Қишлоқдаги электр тармоқлари ҳолатини ўз кўзимиз билан кўриб, масала хат муаллифлари айтганидан ҳам жиддийроқ эканига гувоҳ бўлдик. Симёғочларнинг 70 фоизи чириб, қийшайиб турибди. Симлар узилиб, қайта уланаверганидан осилиб ётибди. Айниқса, ноқонуний сим тортилган ҳудудларда ҳар бир симёғоч орасидаги симлар 8-10 жойидан уланган. Чекка хонадон эгалари қиш кунлари электр чироқларининг ёруғлиги шамчироқдан фарқ қилмаслиги, телевизор, музлаткич ва бошқа рўзғор техникаларидан, умуман, фойдаланиб бўлмаслигидан зорланишди.

Яна бир муаммо. Қишлоқда электр монтёри йўқ. 6 километр наридаги Бешюз қишлоғида яшовчи, 4 та қишлоққа хизмат кўрсатувчи монтёр жавобгар экан. Зарур ҳолларда ҳам у хоҳласа келаркан, хоҳламаса йўқ. Ҳатто, телефон қўнғироғига жавоб бермас экан.

Хуллас, гапирсак гап кўп. Вазиятдан туман электр тармоқлари идораси бошлиғи Ислом Исломовни хабардор қилдик. Лекин у бу камчиликларни тан олмай, хаспўшлашга уринди. Бизнингча, "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ раҳбарияти юқоридаги ҳолатни бевосита жойида ўрганиб, зарур чораларни кўриши лозим. Уларнинг ушбу танқидий чиқишларимизга матбуот орқали муносабат билдиришлари шартлиги Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига ҳамда "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси 2-қисми, 9-моддаси 3-қисмида аниқ белгилаб қўйилган. Биз яшаётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг талаби ҳам аслида шундай.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Мамлакатимизда маҳалла институти бугун давлат ва жамиятнинг асосий таянчларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: "Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир. Халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда. Маҳалла тарбия ўчоғидир. Юриш-туриш, одоб-ахлоқ, жамики фазилатларни ёшлар аввало маҳалладан, аниқроғи, ота-оналари, қўни-қўшнилари, табаррук отахонлари, дуогўй онахонларидан ўрганадилар. Шунинг учун биз маҳаллий бошқарувнинг дастлабки ва муҳим бўғини – маҳаллаларга катта эътибор бермоқдамиз", деб алоҳида таъкидлайдилар.**

## Маҳалла институти:
# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатида бўлган 30 дан ортиқ вазифани муваффақиятли бажармоқда.

Фуқаролар йиғинлари ходимларининг касб ва бошқарувга оид малакаларини ошириш, услубий ёрдам бериш мақсадида вилоят ҳокимлиги қошида, Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти базасида ташкил этилган ўқув курсига "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар ва туман бўлинмалари тавсиясига кўра ҳар ҳафтада режа асосида 25 нафар маҳалла ходими жалб этилмоқда. 2014 йилда фуқаролар йиғинлари ходимларидан 1506 нафари ўқув курсида малака оширди ва уларга сертификатлар топширилди.

Ўқув курсига етакчи олий билим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари шунингдек, амалиётчи мутахассислар жалб этилган. Хусусан, ҳозир ўқув курсида кўп йиллик тажриба ва илмий даражага эга уч профессор, 8 фан номзоди ва 10 дан зиёд катта ўқитувчилар тингловчиларга дарс бермоқдалар.

Бу ерда "Мониторинг-анкета" ташкил этилган бўлиб, анкеталар ўқув курси якунида таҳлил қилиниб, тингловчиларнинг танқидий фикр ва таклифлари асосида машғулотлар такомиллаштирилиб, ўз устида янада кўпроқ ишлаши лозим бўлган ўқитувчиларга услубий маслаҳат ва ёрдам кўрсатилмоқда. Шу боис ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллиги ортиб бораётир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда ҳудудий сайлов комиссиялари таркибида ўзини ўзи бошқариш органларининг 1500 нафардан ортиқ ходимлари фаоллик кўрсатишди. Сайлов натижаларига кўра, вилоят ҳудудидаги 80 дан ортиқ маҳалла йиғинлари вакиллари ҳокимиятнинг вакиллик органларига депутат этиб сайландилар.



Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курси ўз фаолиятини мамлакатимизда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқда. Ўқув курсларининг самарали фаолияти натижаси ўлароқ, маҳалла йиғини вакилларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки фаоллашиб, барча соҳалардаги ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси кучаймоқда.

**Ойбекхўжа ТОШХЎЖАЕВ, Саиджасур САИДҚОДИРОВ, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси мутахассислари.**

Миннатдорлик

# ЯНАДА ФАОЛЛИККА УНДАЯПТИ

Мени вилоят ҳокимлиги қошидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курсига юборишганда, очиғи, қандай таассуротлар билан қайтишим ҳақида ўйлаб ҳам кўрмагандим. Аммо биринчи куниёқ бу ерга келганимдан хурсанд бўлдим. Чунки бу даргоҳдаги ўқитувчи ва муаллимларнинг билими, муомала маданияти мени ҳайратга солди. Ўзбекистонда шундай билимга эга ўқитувчилар борлигидан қалбим ифтихорга тўлди. Улардан олган билимларим маҳаллада янада фаолроқ ишлашга даъват этмоқда.

Биз, маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари учун шундай фойдали ўқув курслари ташкил этилгани, бу даргоҳдаги кенг ва чуқур билим бераётган профессор-ўқитувчиларга, айниқса, ўқув-методик бўлим бошлиғи Матлубахон Мамадалиевага миннатдорчилик билдирмоқчиман.

**Т. БАРАТОВ, Бўка тумани "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини посбони.**

Тадбир

# КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси маънавият тарғибот маркази Бекобод шаҳар бўлими, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бекобод шаҳар кенгаши ҳамда техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳамкорлигида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган маънавий-маърифий тадбир қизиқарли ўтди.**

"Нурли йўл" маҳалласи қариялари ва фахрий ўқитувчилар иштирок этган тадбирда шеър, куй-қўшиқлар даврага ўзгача файз бағишлади. Шаҳар коллежлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими хонандалари қўшма концерт дастурларини намойиш этишди.

Тадбир ниҳоясида кекса отахон ва онахонларга коллеж маъмуриятининг эсдалик совғалари улашилди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

Саломат бўлинг

# ҲАМКОРЛИКДА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

**Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси ҳамда Юқори Чирчиқ туманидаги "Ариран" кексалар уйида маҳаллий аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамда Корея Республикасининг "Ewha Womans University" госпитали малакали мутахассислари ҳамкорлигидаги хайрия тадбирида имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ва аёллар қамраб олинди.



– Ўрта Чирчиқ туманида ўтказилган тиббий кўрикнинг дастлабки кунида, – дейди вилоят "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди директори Муҳаббат Йўлдошева, – педиатр, офтальмолог, гематолог, кардиолог, терапевт, стоматолог, фармацевт каби малакали мутахассислардан иборат Корея Республикаси делегацияси маҳаллий шифокорлар ҳамкорлигида 210 кишига тиббий хизмат кўрсатди.

Шу куни аҳоли учун "Соғлом турмуш тарзи", "Тўғри овқатланиш ва репродуктив саломатлик", "Ўсмирлар гигиенаси" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилиб, шамоллаш касаллигига қарши 300 та дори-дармон бепул тарқатилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

Ижодий кеча

# КИНО ҚАҲРАМОНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

**Тошкент Давлат аграр университетида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамкорлигида "Кино ва ёшлар" мавзуида ижодий учрашув бўлиб ўтди.**

Учрашувда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий қадрият ва урф-одатимизга ҳурмат ҳиссини янада юксалтириш ҳамда диний экстремизм, одам савдоси, оммавий маданият каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига асосан суратга олинган "Гумроҳлар" бадиий фильми намойиш этилиб, кино қаҳрамонлари билан талаба-ёшлар ўртасида қизиқарли ва долзарб мавзуларда савол-жавоблар бўлди.

Тадбир якунида фаол талаба-ёшлар ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**

# ИЛЛАТ – КУЛФАТ КЕЛТИРАДИ

**Озгина бепарволик, эҳтиётсизлик ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин. "Ўт балосидан асрасин" деб бежиз айтилмайди. Бир кишининг бепарволиги нафақат ўзи ва оиласи, балки ён-атрофидагилар учун ҳам хавф туғдириши мумкин.**

Ания ва Рафаел икки нафар фарзанднинг ота-онаси бўлсаларда, ҳаётга енгил қараб, тайинли бир иш билан шуғулланмай, ичиш ва чекишга муккасидан кетиб, қўни-қўшниларни ҳам безор қилиб юборишди. Ўша куни уйларига Игор ва Света исмли танишлари меҳмондорчиликка келади. Рафаел ва Ания Игорнинг қўлидаги спиртли ичимликни кўриб, хурсанд бўлишди. Уни бўшатишгач, Рафаэл дўкондан яна икки шиша спиртли ичимлик олиб келди. Обдон маст бўлишгач, ўзларини бошқара олмай, бақир-чақир қилиб, қўшниларнинг халоватини бузишди. Бу орада ташқарига чиққан қўшнилар қандайдир тутун ҳидини сезиб, Рафаелнинг уйидаги бостирма (навес) ёнаётганини кўриб, тезда ёнғин хавфсизлиги бўлимига қўнғироқ қилишган. Воқеа жойига етиб келган соҳа ходимлари ёнғинни бартараф этиб, уй ичидагиларни ташқарига олиб чиқишди.

Суриштирув ишлари вақтида бостирма тагидаги сомонга ўчирилмаган сигарета қолдиқлари ташланганини аниқланди. Қўшнилар ўз вақтида пайқашмаганида ёнғин бошқа хонадонларга ўтиб, катта миқдорда талафот етиши, фуқаролар тан жароҳати олиши, ҳаттоки вафот этиши ҳам мумкин эди. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун барчамиз "Ўз уйингни ўзинг асра" шиорига амал қилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этайлик.

**Нуриддин БУРХОНОВ, ИИБ ЁХБ 5-ҲЁХО катта муҳандиси.**


Эълонлар

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига: I. Тошкент вилояти Бекобод тумани СИБ томонидан: 1. 5202-сонли ҳужжатига асосан: Бекобод тумани "Ёшлик ХХСК"да сақланаётган: 1987 йилда и/ч., дав/рақ. 11J9010, бошланғич баҳоси - 2 155 608 сўм бўлган "Исузу" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 2. 16626-сонли ҳужжатига асосан: Бекобод тумани "ИИБ ДАНБ" жарима майдончасида сақланаётган: 1986 йилда и/ч., дав/рақ. 11S4437, бошланғич баҳоси - 5 489 785 сўм бўлган "BMV" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 3. 13515-сонли ҳужжатига асосан: Бекобод тумани "ИИБ ДАНБ" жарима майдончасида сақланаётган: 1983 йилда и/ч., дав/рақ. 10D8096, бошланғич баҳоси - 477 320 сўм бўлган "Москвич 412" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 4. 15572-сонли ҳужжатига асосан: Бекобод тумани "Ёшлик ХХСК"да сақланаётган: ишлаб чиқарилган йили ва дав/рақ. номаълум, бошланғич баҳоси - 143 391 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 5. 15572-сонли ҳужжатига асосан Бекобод тумани "Ёшлик ХХСК"да сақланаётган: ишлаб чиқарилган йили ва дав/рақ. номаълум, бошланғич баҳоси - 143 391 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз мотоцикл; 6. 15572-сонли ҳужжатига асосан: Бекобод тумани "Ёшлик ХХСК"да сақланаётган: ишлаб чиқарилган йили ва дав/рақ. номаълум, бошланғич баҳоси - 143 391 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз мотоцикл; 7. 14510-сонли ҳужжатига асосан: Бекобод тумани "Ёшлик ХХСК"да сақланаётган: ишлаб чиқарилган йили ва дав/рақ. номаълум, бошланғич баҳоси - 176 124 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз мотоцикл; 8. 14510-сонли ҳужжатига асосан: Бекобод тумани "Ёшлик ХХСК"да сақланаётган: ишлаб чиқарилган йили ва дав/рақ. номаълум, бошланғич баҳоси - 176 124 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз мотоцикл; 9. 1265-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1978 йилда и/ч., дав/рақ. 11F 824 DA, бошланғич баҳоси - 1 231 500 сўм бўлган "ВАЗ-21011" русумли техник соз автотранспорт воситаси; 10. 1263-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1992 йилда и/ч., дав/рақ. 11D8212, бошланғич баҳоси - 1 305 639 сўм бўлган "ВАЗ-2102" русумли техник соз автотранспорт воситаси; 11. 18008-сонли ижро ҳужжатига асосан: Бекобод тумани "Ёшлик ХХСК" майдончасида сақланаётган: и/ч йили аниқланмаган., дав/рақ. мавжуд эмас, бошланғич баҳоси - 172 113 сўм бўлган "УРАЛ" русумли техник соз мотоцикл воситаси; 14. 18008-сонли ҳужжатига асосан: Бекобод тумани "Ёшлик ХХСК" майдончасида сақланаётган: и/ч йили аниқланмаган, дав/рақ. мавжуд эмас, бошланғич баҳоси - 172 113 сўм бўлган "УРАЛ" русумли техник соз мотацикл воситасилари такроран савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 24 февраль куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади. II. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан, 2014 йилдаги 1986/3-сонли Ариза (буюртма)сига асосан: Оққўрғон тумани ИИБ жарима майдонида сақланаётган: 1998 йилда и/ч., дав/рақ. 10O908EA, бошланғич баҳоси - 14 627 340 сўм бўлган "Дамас" русумли; 2014 йилдаги 7078/9-сонли Ариза (буюртма)сига асосан: Оққўрғон тумани ИИБ АМТФКМНБ жарима майдонида сақланаётган: 1992 йилда и/ч., дав/рақ. X737ALN, бошланғич баҳоси - 8 981 891,68 сўм бўлган "OPEL Vectra русумли автотранспорт воситасилари такроран савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 25 февраль куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади. III. Суд ижрочилари Департаменти томонидан: 05.03.2012 йилдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. 1984 йилда и/ч., дав/рақ. 10BE429, бошланғич баҳоси - 28 223 000 сўм бўлган "КамАз-5511" русумли техник носоз; 2. 1981 йилда и/ч., дав/рақ. 10BE430, бошланғич баҳоси - 27 574 000 сўм бўлган "КамАз-5511" русумли техник носоз; 3. 2008 йилда и/ч., дав/рақ. 01767CAA, бошланғич баҳоси - 37 321 000 сўм бўлган "ГАЗ-2752-414" русумли техник носоз; 4. 1991 йилда и/ч., дав/рақ. 10BA712, бошланғич баҳоси - 28 752 000 сўм бўлган "КамАз-5511" русумли техник носоз; 5. 1984 йилда и/ч., дав/рақ. 10AZ010, бошланғич баҳоси - 28 129 000 сўм бўлган "КамАз-5511" русумли техник носоз; 1. 23.07.2012 йилдаги ЖСҚ-1-185г/12-сонли ижро ҳужжатига асоан: 2007 йилда и/ч., дав/рақ. 01R216JA, бошланғич баҳоси - 160 507 000 сўм бўлган "Лексус GX470" русумли техник соз; 2. 23.07.2012 йилдаги ЖСҚ-1-185в/12-сонли ижро хужжатига асоан: 2008 йилда и/ч., дав/рақ. 10701AAA, бошланғич баҳоси - 62 308 000 сўм бўлган "Nissan Altima" русумли техник соз; 3. 23.07.2012 йилдаги ЖСҚ-1-185д/12-сонли ижро ҳужжатига асоан: 2008 йилда и/ч., дав/рақ. 01707AAA, бошланғич баҳоси - 128 746 000 сўм бўлган "Toyota Prado" русумли техник соз автотранспорт воситалари такроран савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 26 февраль куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади. IV. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: 17.01.2014 йилдаги 168-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. "Халқ банк"и Юқори Чирчиқ филиали биносида сақланаётган: 2007 йилда и/ч., дав/рақ. 01939MAA, бошланғич баҳоси - 59 764 052сўм бўлган "КИА ОПТИМА" русумли; 2. Юқори Чирчиқ тумани СИБ биносида сақланаётган: 2008 йилда и/ч., дав/рақ. 01538GCA, бошланғич баҳоси - 63 746 997 сўм бўлган "Хундай H1" русумли автотранспорт воситалари такроран савдога қўйилмоқда. V. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган: 28.10.2014 йилдаги 17849-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2008 йилда и/ч., дав/рақ. 10U771KA, бошланғич баҳоси - 28 193 523 сўм бўлган "Нексия" русумли техник соз автотранспорт воситаси; 28.10.2014 йилдаги 17849-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2008 йилда и/ч., дав/рақ. 10H838CA, бошланғич баҳоси - 19 823 400 сўм бўлган "ВАЗ-2107" русумли техник автотранспорт воситаси; 23.10.2014 йилдаги 17801/02/03/04-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2008 йилда и/ч., дав/рақ. 10C621JA, бошланғич баҳоси - 65 500 000 сўм бўлган "SAZ NP 37" русумли техник носоз автотранспорт воситаси такроран савдога қўйилмоқда. VI. Зангиота тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: 12-1301/11670-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин қўрғони манзили бўйича сақланаётган, бошланғич баҳоси - 349 402 150 сўм бўлган "Макарон" ишлаб чиқариш ускунаси" ва 11-1331/12059-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин қўрғони манзили бўйича сақланаётган, бошланғич баҳоси - 1 350 070 383 сўм бўлган "AG 56/1000-M4" русумли тегирмон савдога такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 27 февраль куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

VII. Тошкент вилояти Паркент тумани СИБ томонидан: 19.09.2012 йилдаги 5893/5894-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Паркент тумани ИИБ АМТФКМНБга қарашли жарима майдонида сақланаётган: 1978 йилда и/ч., дав/рақ. 11X6605, бошланғич баҳоси - 7 962 352,35 сўм бўлган "Газ-53" русумли техник соз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 10 март куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиали даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 03.04.2014 йилдаги №1-12/14-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи - 80 556 474 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Қорасув-6 мавзе, 23-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 47,99 кв.м., яшаш майдони 30,51 кв.м. бўлган 2 та яшаш хонадан иборат 59-хонадон "Турар-жой" қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йилнинг 10 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ М.Улуғбек тумани судининг 26.02.2013 йилдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган: Бошлангич нархи - 280 005 437 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Х.Бойқаро 1-тор кўчаси, 2-А уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 895,0 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 461,49 кв.м., биноларнинг умумий фойдаланиш майдони 370,0 кв.м., яшаш майдони 122,0 кв.м.дан иборат бўлган "Турар-жой (ҳовли)"; 2) Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан 16.06.2014 йилдаги 30210/18-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи - 306 533 403 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Тансиқбоева 2-мавзеси, 3-В уйда жойлашган, умумий майдони 367,0 кв.м.дан иборат "Савдо дўкони"; 3) Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 08.10.2010 йилдаги 1-15334/2010-сонли ижро варақасига асосан: Бошланғич нархи - 48 800 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи қ.ф.й., Жамбул кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 244,22 кв.м., бостирма майдони 25,60 кв.м., омборхона майдони 44,8 кв.м.дан иборат бўлган "Нотураржой бино ва иншоотлари" қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 24 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ нинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "CRASSULA" (ИНН 302930842) МЧЖнинг устав жамғармаси 7 900 000 сўмдан 5 740 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99890) 371-67-26, (+99890) 922-40-70.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "O'ZBEK DIYORI" (ИНН 201200464) МЧЖнинг устав жамғармаси 757 208 000 сўмдан 162 600 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99871) 276-85-86.

Тошкент шаҳар 4-касб-ҳунар мактаби томонидан 2000 йилда Абдикаримов Батыр Абдимусаевич номига берилган КҲТ № 153509 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги банкрот "SAFIYA BARAKA FAYZ" МЧЖга тегишли бўлган "Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги № 0126 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги банкрот "EVRO-EKSKLYUZIV QURILISH TA'MIRLASH" (ИНН 204788790) хусусий корхонасига тегишли бўлган "Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида" ги № 39/176 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 16.08.2013 йилда гувоҳнома рақами № 000730 билан рўйхатга олинган "KELES QURILISH KOMPLEKS" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "LEATHER GREAT IMPEX" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ҳамда бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбирокр "Токсанов Сабит Турсунович"га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 27.09.2012 йилда № 007812-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 1-А уй, 45-хонадонда жойлашган "ELITE TEACHERS" (ИНН 207161154) НТМ ТУГАТИЛАДИ (жамиятнинг 28.01.2015 йилдаги 1-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 1-А уй, 45-хонадонда қабул қилинади. Телефон: (+99893) 568-14-04.

Сергели тумани ТСРЎИ томонидан № 6-397/2014 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 13-тупик, 3-уйда жойлашган "TO'RA-SOBIR" (ИНН 200833604) МЧЖга 05.02.2015 йилда берилган № 745 рақамли справка (форма 18) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧП "BRASE LIDER" (ИНН 301464474), зарегистрированное ИРСП хокимията Чиланзарского района г. Ташкента за реестр № 005658-08 от 03.02.2014 г., расположенное по адресу: Халклар дўстлиги майдони, 8/1-90, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение от 06.02.2015 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "AGRO VET TEAM" (ИНН 302365328, ОКПО 24117285, ОКОНХ 71211), зарегистрированное ИРСП хокимията Зангиатинкого района Ташкентской области в 15.08.2012 г., ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение учредителя от 07.01.2015 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Т. Малика, 3-А. Телефон: (+99890) 350-33-89.

Тошкент Давлат университети томонидан 1993 йилда Мукимов Шариф Майнисович номига берилган № 001071 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мукимов Шариф Майнисович номига берилган А № 0009319 рақамли офицерлик шахсий гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 004001-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DILBAR-MUSHTARIY PLUS" хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ (таъсисчининг 05.02.2015 йилдаги 1-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, "Эски жува" бозори ҳудудида қабул қилинади. Телефон: 187-87-07.

"VOYAGE DE VIE" МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Суд ижрочилари Департаменти томонидан аукцион савдосига:

1. 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган: ер участкасининг майдони 4611,0 кв.м. бўлган "Чойхона" (Сабо тўйхонаси) биноси.

Бошланғич баҳоси - 4 075 660 000 сўм.

2. 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель ҚФЙ манзилида жойлашган: умумий майдони 6377,43 к.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м. бўлган "Автосарой" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси - 604 310 000 сўм.

3. 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чилонзор-Мавзук кўчаси 3-уй манзилида жойлашган: ер участкасининг умумий майдони 15844,0 кв.м., фойдали майдони 2898,3 кв.м. бўлган "Ишлаб чиқариш ҳудуди" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси - 2 808 670 000 сўм.

4. 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмилло қишлоғи Д.Тусметов кўчаси манзилида жойлашган: тураржойнинг умумий майдони 792,0 к.м., қурилиш ости участка майдони 730,4 кв.м. бўлган "Дала-ҳовли".

Бошланғич баҳоси - 653 690 000 сўм.

5. 2012 йил 05 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган: бинонинг умумий майдони 836,0 к.м. бўлган "Маиший хизмат кўрсатиш" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси - 1 506 820 000 сўм.

6. 2012 йил 12 февралдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Оққовоқ" маҳалласи манзилида жойлашган: тураржойнинг умумий майдони 643,0 к.м., қурилиш ости участка майдони 180,92 кв.м. бўлган "Қурилиши тугалланмаган дала-ҳовли" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси - 107 760 000 сўм.

7. 2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Наманган вилояти, Наманган шаҳар, 2-ноҳия манзилида жойлашган: ер майдони 0,29 Га, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м. бўлган "Савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси - 1 317 621 690 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 23 февраль куни соат 12:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мирobод филилалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент вилояти Бош бошқармаси ҳамда вилоятдаги тижорат банклари ҳамкорлигида Ангрен шаҳрида 2015 йил 11 февраль куни фуқаролар ва тадбиркорлар билан

**САЙЁР УЧРАШУВЛАР**

ўтказилади.

*«HAMKORBANK» АТБ Янгийўл филиали.*

Аввал Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 25.03.2014 йилда № 006909-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KAMOLOT-SPORT-SALOMATLIK" МЧЖнинг устав жамғармаси 87 636 100 (саксон етти миллион олти юз ўттиз олти минг бир юз) сўмдан 50 100 000 (эллик миллион бир юз минг) сўмга камайишини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида (+99871) 252-35-99 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент архитектура қурилиш институти томонидан 2013 йилда Демин Юрий Андреевич номига берилган В № 675192 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "MAXSUS METALL QURILISH" сообщает о реорганизации в ЧП "MAXSUS METALL QURILISH". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по телефону: 252-22-25.

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

# ПОЁНСИЗ ШЕЪРИЯТ



**Миллий тафаккуримиз ва адабий тилимиз асосчиларидан бири, нафақат ўзбек шеърияти, балки миллий маданиятимиз дарғаси бўлмиш Алишер Навоийнинг бой ижодий меросини ўрганиш асрлар давомида олимлар, санъаткор ва шоирлар учун шараф бўлиб келган. Мустақиллик йилларида бу соҳага эътибор давлат аҳамияти даражасига кўтарилди.**

Навоий меросини ўрганиш, унинг фалсафий, теран маъноли шеъриятини таҳлил қилиш ва ўқувчиларга етказиш, миллий мулк сифатида асраб-авайлаб, кейинги авлодларга қолдириш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Республикамизда қатор нуфузли илмий даргоҳлар, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситаларининг буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодига бағишлаб уюштираётган тадқиқот ва илмий анжуманлари, кўрсатув ва эшиттиришлари, чоп этаётган китоблари, илмий-оммабоп мақола ва асарлари Навоий адабий меросини халқимизга янада яқинлаштирмоқда.

Умумтаълим мактабларидан тортиб, олий ўқув юртлари ва академияларда Навоийнинг ижодий меросини ўрганиш иш режаларига киритилиши табиий ҳолдир. XV асрда яратилган буюк шеъриятнинг XXI аср кишиларининг ҳам маънавий талабларига ортиғи билан жавоб бера олишига, янграб туришига шак-шубҳа йўқ. Яъни, Навоий шеърияти вақтлар, замонлар ўтаверbegin гани сари одамлар онгини, шуурини янада тўлароқ қамраб олаверади. Зеро, шеърият имкониятлари поёнсиздир.

Навоий бобомиз ўзининг буюк истеъдоди самараси ўлароқ, бугун ҳам авлодларга мурожаат қилмоқда:

*"Эрурсан шоҳ – агар*
*огоҳсан сен,*
*Агар огоҳсан сен –*
*шоҳсан сен".*

Ёки:

*"Адл ила олам юзин обод қил,*
*Хулқ ила олам элини*
*шод қил".*

Навоий ижодига қанчалар кўп ва чуқур мурожаат қилсак, маънавий талабларимизни шунча кўп қондира бораверамиз.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

*Неча гулчеҳралар кўрдим, алар ҳушимни банд этмас,*
*Магар ҳушимни банд этса нигун руҳим баланд этмас,*
*Вале гулюзлиғим манга боқиб бир бор сухан этмас,*
*Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,*
*Мени истар кишини суҳбатин кўнглим писанд этмас.*

*Фалакдин боқди чун ҳайрон кўзи гирён бўлиб Зуҳра,*
*Қамардин шуълалар оқмиш қиёс эт нуқрадин нуқра,*
*Агарким шошди оҳимдин малакюз не малакчеҳра,*
*Не баҳра топқамен андинки, мандин истагай баҳра,*
*Чу улким баҳрае андин тилармен баҳраманд этмас.*

*Эрамнинг қушлари гунгдир менинг ишқий баётимға,*
*Ки ашким қон киби томмиш қуриб турғон довотимға,*
*Неча Мажнун тасаннода бу сабру бу саботимға,*
*Нетай ҳуру пари базминки қатлим ё ҳаётимға,*
*Аён ул заҳрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.*

*Неча йил, айни ўткардим нафъ кўрмай саодатдин,*
*Юриб бебаҳра, бефойда самар топмай саховатдин,*
*Дуода тонг саҳар қотдим, хабар йўқдир*
*ижобатдин,*
*Керакмас ой ила кун шакликим ҳусни малоҳатдин,*
*Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.*

*Жафо боғинда уй қурдим, ситам боғи диёримким,*
*Ўзимдирман муғанний, зулми ҳижрон қўлда торимким,*
*Валекин чекмам афсуслар, санамда ихтиёримким,*
*Керак ўз чобуки қотилваши мажнун шиоримким,*
*Бузуғ кўнглимни ўзга ерда жавлони саманд этмас.*

*Муҳаббат чеҳраси пинҳон, ки армон чеҳраси зоҳир,*
*Фалакнинг риштаси чалкаш, ки даврон юклари оғир,*
*Сабаб ер бағрида айро ётурлар Зуҳра ҳам Тоҳир,*
*Кўнгил ўз чархи золидин фирибин емаким охир,*
*Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгга саманд этмас.*

*Кечиб даврон нишоб ўтса ойингдан ой,*
*рўзингдан рўз,*
*Дилингни ўртабон ўйлар саҳар шому, кеча-кундуз,*
*Фароғат топмадинг эй Нур, неча ийду, неча Наврўз,*
*Ул ой ўтлиғ юзин очса, Навоий тегмасин деб кўз*
*Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.*

**Нурали ЖАЛИЛ.**

# ШОИРНИ ЁД ЭТИБ

Ҳиротда Алишер Навоий билан бир даврда мавлоно Биноий деган шоир ҳам яшарди. Кунлардан бир кун Биноий Навоийнинг боғига келибди. Қараса, у бир қанча шоирлару машшоқлар, созандалару хонандалар билан ширин суҳбат қуриб ўтирган экан. Биноийни ғайирлиги келибди. Шу пайт олдига вовуллаб келган итга қараб, овозини баландлатиб:

– Ҳа, жанобларининг итлари ҳам нав (оҳанг маъносида) қиладиларку, биз бундан бехабар қолибмизда, – дебди.

Шу билан Алишер Навоийни боплаб "чақиб" олмоқчи бўлибди. Биноийнинг ниятини дарров англаган шоир шундай жавоб қилибди:

– Ҳа, энди анча-мунча боқиб парвариш қилган эдик, мавлононинг ўзлари кўриб турганларидек, бинойидек бўлди-қолди.

Навоийнинг суҳбатдошлари маза қилиб кулишибди.

* * *

Алишер Навоий билан Биноий аслида яқин дўст эдилар. Икки шоир бирбирлари билан ғазал тили орқали гаплашиб туришарди. Аммо, орадаги гап ташувчи ҳасадгўйлар туфайли баъзан адибади айтишиб қолишарди. Нима бўлди-ю, Биноий бошқа подшоҳ хизматига ўтиб, ўзга юртга кўчиб кетди. Орадан йиллар ўтди. Шоирнинг гоҳ Навоий, гоҳ Фоний деб ёзган ғазаллари Биноийга етиб борарди. Унинг ҳам ўзига бино қўйиб ёзган ғазаллари Навоийга етиб келарди. Ҳар иккովлари бир-бирларини соғиниб, кўришгилари келганми, ёки яна сўз ўйини, лутф қилишибми, ўзаро хат ёзиша бошлашди. Биноий бир ғазал битиб, охирига:

*Бинойидек ғазал юборди*
*машҳур Биноий,*
*Ўқиб жавоб ёзсин деб*
*Навоийми ё Фоний*

деб нуқта қўйди.

Ғазални ўқиган шоир Биноийнинг пичингини тушунди. Ўзи ҳам бадиҳагўйлик билан катта ғазал ёзди ва шундай тугатди:

*Биноий ғазалига жавоб*
*битиб Навоий,*
*Деди: ўзингга қўйма*
*бино, бу дунё – фоний!*

* * *

Мир Алишер Навоий асарларини замонасининг энг билимдон хаттотларига кўчиртирар эди. Бир куни ишонган хаттотининг тоби қочиб қолди. Бундан хабар топган, ўзини машҳур ҳисоблаб юрган бир хаттот: "Рози бўлсалар, Навоийнинг хизматларини жоним билан бажарардим", – дебди.

Шоир ғазалларини кўчиртиришга берибди. Бир катта мушоирада Навоийнинг қулоғига: "Маликуш шуаронинг ўзлари нуқсон-қусурга йўл қўйибдилармиi, бошқалардан нимани ҳам кутиш мумкин?" деган гап чалинибди.

Гап нимадалигини фаҳмлаган шоир кўчиртирган ғазалларини олиб ўқибди. Қараса, мақтанчоқ хаттот бир нуқтани тушириб қолдирганидан "кўз" сўзи "кўр"га айланиб, ғазалнинг маъносини бузибди.

Навоий аҳли фозилларга қараб:

– Билимсиз хаттот очиқ кўзимни кўр қилди, – дебди-да, унинг жавобини бериб юборибди.

Кўргазма

## ҚАДРДОН МАНЗАРАЛАР

**Сархил узумларни саватга оҳиста жойлаётган мўйсафид. Гурунглашаётган гиламдўз аёллар. Ёзги айвонда мириқиб ором олаётган болалар. Файзли ҳовли, шохлари ерга эгилган анорлар...**

Томошабин кўнглига яқин бу қадрдон лаҳзалар тасвирий санъат мухлисларида ажиб қизиқиш ва эътибор уйғотиши шубҳасиз. Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида рангтасвирчи рассомлар Тешабой ва Шавкат Пирматовлар ижодига бағишланган хотира кўргазмасида ана шу манзараларга гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда санъатнинг барча йўналишлари каби тасвирий санъатни изчил равнақ топтириш, мазкур соҳа равнақи йўлида самарали фаолият кўрсатган мусаввирлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ижодини ўрганиш, тарғиб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Рангтасвирчи рассом Т. Пирматов олий ўқув юртини тамомлаб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида тасвирий санъатдан талабаларга сабоқ берган бўлса, унинг ўғли Шавкат юртимиз ва халқаро миқёсда ўтказилган кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси эди. Мўйқалам соҳибларининг ижодида қишлоқ манзаралари, оддий одамларнинг кундалик ҳаёти, ҳалол ва фидойи меҳнати, жонажон Ўзбекистонимизнинг мафтункор табиати манзараларини акс эттириш асосий ўрин тутган. Ушбу картиналар туғилиб ўсган заминга муҳаббат ифодаси миллий руҳ билан йўғрилгани, содда ва самимийлиги билан дилга яқиндир.

Бу жиҳатлар муаллифларнинг кўргазмадан ўрин олган "Болалигим", "Бойсун", "Ҳовли", "Оила", "Яйлов", "Азим чинор", "Ҳосил" сингари асарларида ёркин ва ўзига хос тарзда ифода этилган.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Bu – qiziq



*Инсон қўли гул.*

### UZOQ YASHAYOTGAN KASHFIYOT

O'z g'oyalarini abadiylashtirish insoniyatning doimiy orzularidan biridir. Buning uchun u dastlab o'z fikrlarini g'orlardagi devorlarga tosh bo'laklari bilan o'yib yozdi, so'ngra mum bilan qoplangan suyak tayoqchalar (stilo) yordamida pishirilgan gil doskachalar ustiga bitdi. Xitoylik mutafakkirlar hayvonlar junidan olingan yoki tivitdan yasalgan qalamlarda o'z qarashlarini ifoda etganlar. Siyohi esa qorakuyadan olinardi.

Taraqqiyotning shiddatli oqimi boshqa usullardan ham foydalanib ko'rish imkonini berdi. Siyohning tarkibiy qismlari ham o'zgarib bordi. Mozi (yong'oq turi) asosida tayyorlangan ruchka "qoni" uzoq vaqt yashab qoldi.




### САМОЛЁТ ДАРЁГА ҚУЛАДИ

**Тайваннинг авиация хавфсизлиги кенгашидан маълум қилишларича, қутқарувчилар дарёга қулаб тушган ATR 72-600 самолёти бортидаги иккита қора қутини топдилар.**

Бундан аввалроқ авиаҳалокат туфайли 23 киши ҳаётдан кўз юмгани маълум қилинган эди. Яна бир неча одам ҳамон ҳаво лайнери бортида ётибди.

58 йўловчи ва экипаж аъзолари бўлган самолёт ердан кўтарилаётган бир неча дақиқа оралиғида автомобиллар учун мўлжалланган осма кўприкка қаноти билан урилиб кетиб, дарёга қулаган эди.



### АЖАЛИ ЕТГАНИ ШУ-ДА...

**Нью-Йорк шаҳрида кўча ҳаракатлари айни қуюқлашган пайтда йўловчиларга тўла поезд автомобиль билан тўқнашиб кетгани ҳақида хабар тарқатди NBC News агентлиги.**

Ушбу бахтсиз ҳодиса камида 6 кишининг умрига зомин бўлди. Шунингдек, жип машинаси ҳайдовчиси бўлган аёл ҳам ҳалокат қурбонига айланди. 12 киши турли даражада тан жароҳати олди.



Агентликнинг маълум қилишича, жип машинаси темир йўлни кесиб ўтаётган пайтда шлакбаум ёпилиб қолиб, автомобилнинг орқага қайтиш йўлини тўсиб қўйган. Бундан ажабланган ҳайдовчи аёл автомобилдан тушиб, атрофни кузатган ва яна негадир машинага ўтириб, олға ҳаракат қилган. Айнан шу пайтда поезд етиб келиб, тўқнашув содир бўлган.

### ОЙДА ҲАЁТ БЎЛГАНМИ?

**Бир гуруҳ олимларнинг тахмин қилишларига қараганда, Ой сайёраси қаърида ердаги каби қадимий ҳаёт излари сақланиб қолган бўлиши мумкин экан.**

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бундай ҳаёт нишоналари Ернинг табиий йўлдоши сатҳига астероидлар воситасида келиб қолган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундан сўнг у ой лаваси таркибида сақланиб қолган бўлиши мумкин. Лондондаги империя коллежи илмий ходимлари лава тирик жисм билан ўзаро қандай муносабатда бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов тадбири ўтказдилар. Бунинг учун улар тирик бирикмани ойдан олинган чанг билан қориштириб, Цельси бўйича 700 даражагача қиздирдилар. Маълум бўлишича, лава тирик бирикмани узоқ сақлай оладиган ажойиб ўрама вазифасини бажарар экан. У тирик жисмни метеорид, қуёш шамоли, шунингдек, радиациядан ҳам омон сақларкан.

Шундай қилиб, олимлар илк ҳаёт пайдо бўлган даврдаги муҳим кимёвий бирикмалар Ой қаърида сақлангани ҳақиқатга яқин деган хулосага келдилар.



### ЎЗ ҚЎЛИНИ КЕСИБ... ТАШЛАДИ



**Интернетдаги ўйинларга ҳаддан зиёд берилиб кетган хитойлик 19 ёшли Ван исмли йигит узлуксиз машғулотлардан жунбишга келиб, ўз қўлини кесиб ташлагани ҳақида хабар тарқатди The Telegraph нашри.**

Йигит қўлида пичоқ билан уйидан чиқиб, эшик ёнидаги ўриндиққа ўтириб, чап қўлини билагидан кесиб ташлади. Сўнг такси чақириб, шифохонага жўнади. Кесилган қўли эса ўриндиқда қолаверди.

"Юз берган ҳолатни хаёлимизга сиғдиролмаяпмиз, – деди Ваннинг онаси. – Бу кутилмаганда юз берди. Ваҳоланки, ўғлим ақлли йигит эди". Шунингдек, онасининг айтишича, Ван уйдан чиқиш олдидан қуйидаги мазмунда ёзув қолдирган экан: "Ойи, мен шифохонага кетдим. Хавотир олманг. Кечқурун қайтаман".

Полициячилар ўриндиқда қолган қўлни шифохонага келтиришгач, врачлар уни жойига тикиб қўйишди. Ваннинг ўзи шундай деди: "Шу йўл билан компьютер ўйинларидан қутулмоқчи эдим". Тиббиёт ходимлари эса йигитнинг жойига тикиб қўйилган қўли аввалгидек ишлаб кетадими-йўқми, тайинли гап айтишмади.

### НЬЮ-ДЕҲЛИДА СЕЛФ-АВТОМАТЛАР

**Маҳаллий нашрлардан бири Ҳиндистон пойтахти Нью-Деҳлида мамлакат бош вазири Нарендра Моди билан расмга тушиш имконини берувчи селф-автоматлар пайдо бўлди.**

Нашрнинг ёзишича, пойтахтдаги бозор ҳамда бошқа савдо марказларида 1500 га яқин шундай автоматлар ўрнатилди. Бош вазир билан суратга тушишни хоҳловчилар будкага киришади. Чап томондаги махсус жойга бош вазирнинг расми қўйилади ва смартфон ёрдамида суратга туширилади. Тайёр бўлган сурат электрон почта ёки SMS орқали жўнатилади.

"Моди билан селфи" номли компания ушбу тадбирни 7 февраль куни Деҳлида ўтказиладиган қонунчилик мажлиси сайловларига атаб ташкил этди. Нашрнинг таъкидлашига кўра, ҳукмдор "Бхаратия Жаната парти" партияси шу йўл билан шаҳар ёшлари овозини ўзига қаратмоқчи.

Ҳиндистонда ўн кун давомида 70 мингдан зиёд селф-автоматлар ўрнатилди. Дарвоқе, бу ҳукмдор партия ҳамда шахсан бош вазир ўйлаб топган дастлабки чора эмас.



**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Жиноятга жазо муқаррар

**Тинчлик неъматининг қадри таъриф-тавсифга муҳтож эмас. Қаерда тинчлик барқарор бўлса, ўша жойда ривожланиш, тараққиёт бўлади, халқ фаравон ҳаёт кечиради. Шукрки, мамлакатимизда айни шу муҳит ҳукмрон. Осмонимиз мусаффо, халқимиз хотиржам ва эртасидан кўнгли тўқ. Тўйлар-тўйларга уланмоқда. Ўтаётган ҳар бир кун яратиш ва бунёдкорлик билан кечмоқда. Бу дунё халқларининг ҳавасини келтираётгани ҳам айни ҳақиқат.**

# ЎЙЛАМАЙ БОСИЛГАН ҚАДАМ

Афсуски, шундай дориламон кунларимизга ғаразли кўз тикиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчликни бузишга интилувчилар ҳам йўқ эмас. Муқаддас Ислом динини ниқоб қилиб олган ғаламислар "пичоқнинг сопини ўзидан чиқарувчи"ларни орамиздан топишга уринишмоқда. Ачинарлиси, етарли диний билимга эга бўлмаган айрим ёшлар бузғунчиларнинг ширин сўзию динимизни бузиб талқин қилаётган даъватларига ишониб, билиб-билмай уларнинг измидан боришмоқда.

Бекобод шаҳрилик Анвар Саъдиев шундайлардан бири. Аслида, Анварга кўпчиликнинг ҳаваси келар: "Олий маълумотли, ўз ишининг устаси, икки фарзанднинг отаси, бир йигитга бундан ортиқ яна нима керак?" дейишарди. Аммо...

А. Саъдиев олий ўқув даргоҳини тамомлаб, Бекобод шаҳридаги "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятида оператор бўлиб ишларди. Билимли, интилувчан бўлгани боис, 2007 йил жамиятда ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, Москвадаги МИСиС номли "Пўлат ва мис" қоришмалари олий илм даргоҳида шартнома асосида ўқиш имкониятини қўлга киритди. Олий илм даргоҳи ётоқхонасида З. Айдаралиев, Н. Зокиров ва А. Мусаев билан бир хонада яшади. "Қовун қовундан ранг олади" деган гап А. Саъдиевни ҳам четлаб ўтмади. Хонадошларининг намоз ўқиши, "Ваҳҳобийлик" диний-экстремистик ташкилоти раҳнамоларининг ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маърузаларини тинглаши, "Жиҳодчилар" қуриш каби ҳавойи гаплари уни тўғри йўлдан тойдирди. Энди, А. Саъдиев ҳам уларга қўшилиб намоз ўқир, вақти-вақти билан шаҳардаги масжидга чиқар, "қори"ларнинг интернетдан кўчириб олинган бемаъни маърузаларини тинглар, ҳафтада бир марта бўладиган диний мажлисларда қатнашар эди. Шу зайлда у жамоа оқими аъзоси З. Айдаралиевнинг республикамизда ислом динига эътиқод қилувчиларга таъқиблар бўлаётгани тўғрисидаги важ-карсонлари, "ислом давлати" билан 2012 йилга қадар яширин фаолият олиб борди. Кейин эса...

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача" эканлиги аниқ. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, эл-юрт фаровонлиги, давлатимиз тинчлиги йўлида хизмат қилаётган ходимлар А. Саъдиевнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйишди. Чунки, республикамизда фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларни, Конституциявий тузум ёки республикамиз ҳудудининг бирлигини бузишга қаратилган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, шунингдек, диний ва миллий адоватни авж олдириш каби мақсадларни кўзлайдиган жамоат бирлашмалари тузилишига ҳеч қачон йўл қўйилмайди.

Бекобод шаҳар судида ўтказилган очиқ суд мажлисида А. Саъдиевнинг жиноий иши кўриб чиқилди. Судда унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, ўзбек халқидан ва Президентдан кечирим сўрагани, муқаддам судланмагани инобатга олиниб, тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жазо муддати тартибли колонияларда ўтказилиши белгиланди.

**Абдуқодир ДЎСТОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир **Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Муқаддас ИСРОИЛОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2064. Адади 15556. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15.